



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 4 (6)
2026**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 4-son 2026 yil

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

4

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2026

MUNDARIJA

Юлдашев Ш.Г. Конвергенция и поляризация развитых и развивающихся стран в эпоху развития искусственного интеллекта.....	8
Mamatov B.S. Foreign investment is an important factor of economic growth.....	15
Raximova K.N. Raqamli iqtisodiyot sharoitida telekommunikatsiya kompaniyasining rivojlanish tendensiyasi.....	22
Karimov Sh.X. Turizmni barqaror rivojlantirishda hududiy boshqaruv omillarining ahamiyati.....	26
Raximov D.Sh. To‘qimachilik sanoatida diversifikatsiya darajasi va iqtisodiy samaradorlik ko‘rsatkichlari tahlili.....	30
Rashidova K. Asalarichilik mahsulotlari bozorida marketing faoliyati samaradorligini oshirish.....	32
Хакимов Д.Р. Процессы, возможности и ограничения экономической интеграции между Республикой Узбекистан и Китайской Народной Республикой.....	37
Olimjanova Sh.O., Eshonqulov I.N. O‘zbekistonda agrar munosabatlarni takomillashtirishda resurs tejamkor texnologiyalarni joriy etish masalalari.....	42
Valikulov Sh.Z. O‘zbekistonda neft-gaz sanoatiga investitsiyalarni jalb qilishning institutsional muammolari va yechimlari.....	48
Ganieva L.S. Bojxona xizmatlari samaradorligini oshirishning nazariy asoslari.....	52
Axrorova N.U. Turizm xizmatlaridan tajriba iqtisodiyotiga o‘tish: evolyutsion tahlil.....	56
Kamilova A.N. Sanoat ishlab chiqarish korxonasida mehnatni normalashtirish menejmentini tashkil etish va takomillashtirish yo‘llari.....	61
Umurzakova Z.S. Sanoat korxonalarida ishlab chiqarish quvvatlaridan foydalanishni takomillashtirish chora-tadbirlari.....	66
Abdiyeva D.K. Priority directions for improving the national logistics policy in Uzbekistan.....	69
Xalimova N.J. Kreativ turizm: nazariy asoslar va ta’riflar qiyosiy tahlili.....	74
Maxramova N.Y. Strategik menejmentda qadriyatlar zanjiri: raqobatbardoshlikni oshirishning konseptual asoslari.....	78
Zaxirova G., Shavkatova N.O’. O‘zbekistonda turizmni rivojlantirish masalalari.....	82
Maxmudov H., Muxtarova G., Maxmudov H. Ekologik muommolar va ularning mamlakat iqtisodiyotga ta’siri.....	86
Umurzakova M.N., Gulahmadov Sh.A. Davlat ichki va tashqi qarzlarning ijobiy va salbiy jihatlar tahlili.....	89
Xasanov I.M. O‘zbekistonda mulkchilik munosabatlarning transformatsiyasi: tadbirkorlikni rivojlantirish omili sifatida.....	94
Abdullayev M.G’. Personalni boshqarish tizimining ilmiy-nazariy asoslari va uning korxona samaradorligiga ta’siri.....	101
Адилов Б.Б., Абдуллаева М.К. Ўзбекистонда саноат корхоналарини ривожлантириш, тенденциялари.....	105
Абдуғаниев Ё.Ж. Яшил иқтисодиёт - барқарор ривожланиш мақсадларининг янги парадигмаси сифатида.....	112
Xusanboyeva T.M. Talabalarning iqtisodiy tafakkurini shakllantirishda to‘garaklarning o‘rni va ahamiyati.....	116
Xashimova S.N. O‘zbekiston milliy yashil taksonomiyasi mohiyati va ahamiyati.....	120
Mitillayev I.T. Tijorat banklarida kredit risklarini baholashda zamonaviy scoring modellari va ularning samaradorligini oshirish yo‘llari.....	124
Бобоқулова М.Ғ. Инвестиция муҳити ва Ўзбекистондаги инвестиция жараёнларининг динамикаси.....	127
Bekberganova M.R. “O‘zbekistonda sug‘urta kompaniyalari tushumlarining ekonometrik tahlili”.....	134
Рахимова М.Ш. Модернизация системы социальной защиты.....	138
Oqboyev A.R. Tadbirkorlik subyektlari eksport salohiyatini xalqaro standartlar asosida oshirish yo‘llari....	142
Djumanova R.F. Aholi turmush sifatini baholashning metodologik yondoshuvlari.....	147
Mamatov B.S., Umurzakova M.N. Davlat tibbiy sug‘urta tizimida bepul xizmatlar, reimbursasiya va foydalanish shartlari.....	154
Ешимбетов У.Х. Қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этиш ва иқтисослаштиришнинг илмий асослари.....	158
Xodjaeva F.K. Sanoat ishlab chiqarishini tartibga solishning iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish....	167
Yusupova M. Hududlarda ayollar va yoshlar tadbirkorligini rivojlantirishda institutsional qo‘llab-quvvatlash tizimini takomillashtirish.....	171
Abduxalilov B.Z. O‘zbekistonda IT provayderlar xizmatlari raqobatbardoshligini oshirish: huquqiy va institutsional asoslar.....	175
Abdisamatov A.A. Tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishning nazariy asoslari.....	178

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 4-son 2026 yil

Abdusalomov I.J. Korxonalarda chiqindilarni boshqarish tizimini takomillashtirish va uning moliyaviy natijalarga ta'siri.....	182
Amirov L.F., Sokhibjonova S.S. Directions for increasing agricultural product exports in the context of a green economy.....	185
Boltaxo'jayeva I.O'. Ways to improve the enterprise management system based on modern management models.....	191
Dehqonov U.M., Sativaldiyeva G. Korxonalarda bo'nak to'lovlari hisobining moliyaviy hisobotga ta'siri va ularni optimallashtirish bo'yicha tahliliy yondashuvlar.....	195
Isoqova M.A. O'zbekistonda yashil energiyadan foydalangan holda kichik biznesni rivojlantirishning institutsional va moliyaviy mexanizmlari.....	199
Mamadaliyev B., Teshaboyev J. Korxonalarda mehnatga haq to'lash hisobini avtomatlashtirish va audit samaradorligini oshirish yo'llari.....	202
Poziljonov M., Teshaboyev X. Davlat muassasalarida asosiy vositalarning hisobini takomillashtirish va ulardan foydalanish samaradorligini oshirish.....	206
Rustamova F.A. Qishloq hududlarida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatining iqtisodiy samaradorligini oshirishda innovatsion yondashuvlarning roli.....	209
Tursunboyev Q.O. Transport xizmatlari ko'rsatish sohasida kichik tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishning xorijiy tajribalari.....	213
Umarov T.S. Hududlarda qurilish korxonalarini faoliyatini samarali tashkil etishni ekonometrik modellash va prognozlash.....	216
Xo'jaliyev A.O., Avilov N. Moliyaviy natijalar hisobi va auditda raqamli texnologiyalardan foydalanish samaradorligi.....	220
Xomidov T.T., Arziboyeva R.S. Bank aktivlarining tarkibi va ularni boshqarish omillari.....	223
Xusainov M. Sanoat korxonalarida mahsulot tannaxsini kalkulyatsiya qilish tizimini takomillashtirishning metodologik asoslari va audit mexanizmlarini rivojlantirish.....	227
Begaliyeva M.A., Egamshukurova N.R. Jahon savdo tizimi va milliy iqtisodiyot uchun uning ahamiyati..	231
Gulimboyev S.I. Korxonalarda moliyaviy resurslar taqsimotining zamonaviy usullari.....	235
Ibodov J.Q. Moliyaviy tizimning xizmatlar sohalari va bo'g'inlari.....	239
Jumabayeva K.B. Xalqaro pensiya tizimi modellari va ularning mintaqaviy tamoyillari.....	243
Khusanova Z.R., Yo'ldasheva Z.U. Global trends in the development of international tourism services....	249
Sadullayev M.D. Sanoat korxonalari innovatsion faoliyatini boshqarish.....	252
Tilabov N.T. Davlat qarz siyosatini samarali boshqarish strategiyasini takomillashtirish.....	256
Toshtemirov Y.N. O'zbekistonda logistik faoliyatni rivojlantirishning hozirgi darajasi.....	264
Toshtemirova Z.M. Mahalla institutining iqtisodiy integratsiya jarayonlaridagi strategik ahamiyati.....	268
Uralov E.O. Surxondaryo viloyati xududida sanoatni shakllanishi va rivojlanishi.....	273
Xursanova F.Sh. Budjetlararo munosabatlarning iqtisodiy mazmuni.....	278
Yuldasheva G.A. Investitsion qarorlarni kabul qilishda moliyaviy tahlilning ahamiyati va roli	282
Абдуллаева Р. Тadbirkorlikning zamonaviy kuryentlari.....	287
Юлдашев А. Фаргона вилояти маҳаллаларида инвестиция фаоллигини оширишнинг институционал асослари	292
Abdumalikova Z., Razakova B.S. O'zbekiston sug'urta bozorini moliyaviy texnologiyalar (insurtech) asosida rivojlantirish: imkoniyatlar va yo'nalishlar.....	294
Azimov B.F. Milliy innovatsion tizimni boshqarishda tashkiliy-institutsional va moliyaviy-iqtisodiy mexanizmlarning roli.....	300
Begaliyeva M.A. Raqamli iqtisodiyot sharoitida oliy ta'lim tizimida sifat menejmentini samarali joriy etishning ahamiyati.....	304
Dawletmuratov A.M. Xizmatlar bozorini rivojlantirish orqali bandlikni oshirish va daromadlarni ko'paytirish mexanizmlari.....	308
Karimova L.S., Jabborov A.A. O'zbekistonda raqamli iqtisodiyot: holati, muammolar va rivojlanish istiqbollari.....	313
Maxmudov F.U. Oliy ta'lim muassasalarida moslashuvchan marketing strategiyalarini ishlab chiqish mexanizmlari.....	319
Navruz-zoda L.B. Kichik biznes subyektlarining kadrlar salohiyati va bilim infratuzilmasiga bo'lgan talablari: Buxoro viloyati misolida.....	323
Nishonboyev D.E., Abdumalikov S.T. Chorvachilik tarmog'ini innovatsion boshqaruv asosida rivojlantirish istiqbollari.....	327

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” jurnali 4-son 2026 yil

Nurmirezayeva N.R. Valyuta kursi o‘zgarishining eksport-importga ta’siri: O‘zbekiston misolida amaliy baholash.....	331
Rahimov A.M. Hududiy iqtisodiyotni rivojlantirishda qayta ishlash sanoatini rivojlantirishning samarali mexanizmlarini takomillashtirish.....	335
Ibragimova G.S. Ta’lim sifatini baholashning xalqaro tajribasi va uni joriy etish.....	339
Ravshanova M.M. Hududiy iqtisodiy salohiyatni baholashda zamonaviy raqamli texnologiyalardan foydalanish va ularning elektron tijorat tizimidagi o‘rni.....	343
Ro‘ziboyeva M. O‘zbekistonda ishchi kuchi migratsiyasi va iqtisodiy o‘sish darajasining o‘zgarish dinamikasi.....	347
Saidova F.K., O‘rozov Sh. Korporativ ijtimoiy mas’uliyat (CSR) va yashil iqtisodiyot: logistika sektorida boshqaruv strategiyalari.....	350
Sultonov S.N. Hududlarda klasterlarini investitsion - innovatsion rivojlantirish istiqbollari (Qashqadaryo viloyati misolida).....	354
Sultonova D.U. Korxona iqtisodiyotida resurslarni boshqarishning raqamli-integratsiyalashgan modelini takomillashtirish.....	358
To‘raxojayev H.H., Hoshimov P.Z. Islomiy banklarning ishlash tamoyili va islom moliya tizimining O‘zbekiston iqtisodiyotiga tadbiri.....	362
Tursunova N.U. Bridging the innovation gap: development-focused entrepreneurship support and international intermediaries.....	368
Акрамова Г.А. «Роль женщин-ученых в совершенствовании механизмов коммерциализации ремесленных услуг Узбекистана в условиях цифровой экономики».....	374
Болтаев Ж.А. Трансформация банковского сектора в условиях цифровизации мировой экономики..	379
Жунайдуллаев М.А. Жанубий Кореяда рақамли таълим технологиялари орқали индивидуал спортчиларини тайёрлаш тизимини бошқаришнинг миллий хусусиятлари.....	384
Митрушова М.Л. Интеллектуальный капитал как ключевой фактор инновационного развития предприятия.....	388
Муродов О.У. Барқарор ривожланиш тушунчаси ва унинг иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик мезонлари.....	392
Саидова Г., Ибрагимова К., Қурбонов А. Рақамли трансформация шароитида енгил саноат корхоналари маҳсулотларининг халқаро рақобатбардошлигини ошириш стратегиялари.....	396
Sarkarov S.Z. O‘zbekistonda qurilish sohasining texnologik bisqichlar kesimida rivojlanishi.....	401
Minojiddinova N.M. Aksiyadorlik jamiyati korxonalarida xodimlarni samarali boshqarishda raqamli texnologiyalardan foydalanish istiqbollari.....	406
Ruzmetova I.Y. Xorazm viloyati iqtisodiyotida kichik biznesning o‘rni.....	410
Qudratov D., Ismoilov A. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning tarmoqlar rivojida o‘rni.....	414
Qodirov H.D. Soliq ma’muriyatchiligini takomillashtirish orqali davlat byudjeti daromadlarini barqaror oshirish yo‘llari.....	417
Kinjayev K.N. Banklarda kreditlar tasnifini yaxshilash orqali rentabellikni ta’minlash yo‘llari.....	421
Макушина А.Ю. Государственная поддержка экспортного потенциала субъектов малого предпринимательства в Республике Узбекистан.....	424
Rejapov X.X., Oxunjonova K.K. Ixtisoslashtirilgan savdo majmualarini moliyaviy resurslarini shakllantirish va ishlatish yo‘nalishlari – Bek Baraka savdo majmuasi misolida.....	430
Махкамова Н.С. Роль государственно-частных партнерств (ГЧП) в продвижении устойчивого развития	434
Avilov N., Muhammadova G. Korxonalarda materiallar harakatining auditi va iqtisodiy tahlili.....	441
Abdullayeva R.G., Raxmonova I.S. O‘zbekiston qishloq hududlarida bandlikni ta’minlash holati va rivojlanish tendensiyalari.....	444
Yusupova M.B. Ustama ishlab chiqarish xarajatlarini taqsimlashning ABC usuli.....	447
Toshpo‘latov M.A. Ta’lim loyihalarida moliyaviy mablag‘lardan samarali foydalanishning xususiyatlari...	452
Hamidova Sh., Ahmadaliyeva H. Kapital qo‘yilmalarning samaradorlik tahlili.....	458
Хамракулов С.М. Собственный капитал в функционировании экономических субъектов Республики Узбекистан.....	461
Zayavitdinova N.M. Raqamli platformalar asosida xizmat ko‘rsatish korxonalarida boshqaruv samaradorligini oshirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlari.....	465
Turg‘unov T.S. O‘zbekistonda aholi turmush darajasini statistik taxlil qilishning ahamiyati.....	469
Ботирова З.Қ. Рақамли иқтисодиёт шароитида даромадларни бошқаришнинг хусусиятлари....	475
Бегимова Н.К. Меҳнат бозорида гендер тафовутларининг келиб чиқиш сабаблари.....	481

ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ - БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИНИНГ ЯНГИ ПАРАДИГМАСИ СИФАТИДА

ЗЕЛЁНАЯ ЭКОНОМИКА КАК НОВАЯ ПАРАДИГМА ДОСТИЖЕНИЯ ЦЕЛЕЙ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ

GREEN ECONOMY AS A NEW PARADIGM FOR ACHIEVING SUSTAINABLE DEVELOPMENT GOALS

Абдуғаниев Ёдгорбек Жавланович

Андижон давлат техника институти “Иқтисодиёт” кафедраси ассистенти

Аннотация

Барқарор ривожланиш халқаро ҳамжамиятнинг долзарб вазифасига айланган ҳозирги замонда яшил иқтисодиётга ўтиш унга эришишнинг муҳим воситаси саналади. Ушбу мақолада яшил иқтисодиётни ривожлантириш имкониятлари ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда унинг айрим афзалликлари тадқиқ этилган.

Тадқиқот натижалари қиёсий таҳлил қилиниб, яшил иқтисодиёт барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг инновацион усули сифатида ўрганилган.

Калит сўзлар: барқарор ривожланиш; яшил иқтисодиёт; экологик тизим; иқтисодий ўсиш; иқтисодий моделлар; имкониятлар.

В настоящее время, когда устойчивое развитие стало актуальной задачей международного сообщества, переход к "зеленой" экономике рассматривается как важное средство ее достижения. В данной статье рассматриваются возможности развития "зеленой" экономики и некоторые ее преимущества для достижения целей устойчивого развития.

Результаты исследования были проанализированы в сравнительном аспекте, и зеленая экономика была изучена как инновационный способ достижения целей устойчивого развития.

Ключевые слова: устойчивое развитие; зеленая экономика; экологическая система; экономический рост; экономические модели; возможности.

Nowadays, when sustainable development has become an urgent task of the international community, the transition to a "green" economy is considered as an important means to achieve it. This article examines the possibilities of developing a "green" economy and some of its advantages for achieving the goals of sustainable development.

The results of the study were analyzed from a comparative perspective, and the green economy was studied as an innovative way to achieve sustainable development goals.

Keywords: sustainable development; green economy; ecological system; economic growth; economic models; opportunities.

БМТ нинг 2030 йилгача Глобал кун тартибидаги Барқарор ривожланиш мақсадларидан бири — аҳолининг соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва барча ёшдаги инсонларнинг фаровонлигига кўмаклашишдир. Бироқ, XX ва XXI аср биринчи чораги тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, қайта тикланмайдиган ресурслардан нооқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши билан боғлиқ жиддий муаммолар глобал характерга эга бўлиб, бугунги кунда иқтисодий ривожланишга, шунингдек аҳоли саломатлигини сақлашда ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Барқарор ривожланишнинг халқаро ва миллий мақсадлари келгуси авлодларнинг ҳуқуқларига путур етказмаган ҳолда, ҳозирги авлод эҳтиёжларини қондиришни хал қилишнинг асосий воситасига айланди. Бу эса иқтисодий ривожланишнинг табиат ва атроф-

муҳит билан уйғунликда амалга оширилиши зарурлигини англатади. Яшил иқтисодиёт инсон фаолиятининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайитиришга қаратилган бўлиб, у қайта тикланадиган ресурслардан самарали фойдаланишга, экологик тоза технологияларни қўлланишига, чиқинди ва ажратмалар минималлаштириладиган, ресурслар қайта ишланиб такроран фойдаланиладиган айланма иқтисодий ёндашувни илгари суришга асосланади.

Олимлар ва кўплаб халқаро ташкилотларнинг фикрига кўра, яшил иқтисодиёт углерод чиқиндиларининг пастлиги, ресурсларни тежайдиган ва ижтимоий инклюзив сифатида тавсифланиши мумкин [11].

Яшил иқтисодиёт ресурслар камайишини ва экологик зарарни минималлаштиришга, “катта экологик зарар етказмасдан барқарор, узоқ муддатли иқтисодий ўсишни таъминлашга” қаратилади [3].

Яшил иқтисодиёт негизида ётувчи ғояларни шакллантиришга қаратилган дастлабки уринишлардан бири Д.Медоуз томонидан олиб борилган тадқиқотда ўз аксини топди [9]. Унда муаллиф инсониятни экологик ҳалокатлар келтириб чиқаришга, узоқ муддатли иқтисодий ўсиш имкониятларини чеклашга сабаб бўладиган чекланган табиий ресурсларни ҳаддан зиёд кўп истеъмол қилишдан ва сарфлашдан қайтариб, ресурсларнинг чекланганлигини ва уларни келажак авлодлар учун сақлаб қолиш зарурлигини ҳисобга оладиган моделга ўтишга чакиради.

Яшил иқтисодиётнинг илмий тавсифи ва таърифига доир яхлит қоидалар ишлаб чиқилмаган бўлса-да, унинг иқтисодий мазмунини, ижтимоий моҳиятини талқин этувчи тадқиқлар амалиётда мавжудки, уларнинг айримларини кўриб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Яшил иқтисодиёт асосан экологик муаммоларнинг кучайиши ва барқарор ривожланиш эҳтиёжлари туфайли фанда ҳам, сиёсатда ҳам муҳим йўналишга айланди. Яшил иқтисодиётда инсоният эҳтиёжларини атроф-муҳит муҳофазаси билан уйғунлаштириб, иқтисодий тизим барқарорлигини узоқ муддатли асосда таъминлашга қаратилади [10].

Яшил иқтисодиёт дастлаб 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирозига жавобан ва иқтисодий тикланишни рағбатлантириш учун бутун дунё бўйлаб амалга оширилди [2]. Аввалроқ эса “яшил иқтисодиёт” ибораси XX асрнинг 80-йиллари охирида, 1989 йилда Буюк Британия ҳукумати учун етакчи иқтисодчилар томонидан “Яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш режаси”, деб номланган ҳисоботда фойдаланилган [1].

Атроф-муҳит ва ресурсларни тежаш яшил иқтисодиётни ривожлантириш учун жуда муҳимдир. Иқтисодий ўсиш экологик барқарорликка таҳдид солмайди. Яшил иқтисодиёт одатдаги молиявий операциялардан атроф-муҳитга зарар етказмаслик учун эҳтиёт чораларини ўз ичига олади [6].

Россиялик олимлардан Т.М.Кожевникова ва С.Г.Тер-Акоповлар “Яшил иқтисодиёт” барқарор ривожланишининг йўналишларидан бири сифатида” номли асарида иқтисодиётда фаолияти экологияга йўналтирилган ишлаб чиқаришга ўтиш зарурати пайдо бўлганлиги ғоясини илгари сурадилар [7].

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш зарурки, яшил иқтисодиёт иқтисодий жараёнлардан атроф-муҳитга етказилган зарарни камайитириш учун ҳимоя чораларини қўллайди ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ресурсларни самарали ва барқарор бошқаришни ривожлантиришни илгари суриб боради.

Тадқиқот ишида яшил иқтисодиётни ривожлантиришга оид тушунчалар, мутахассис олимларнинг қарашлари ва ёндашувлари мантиқий мушоҳадалар асосида ўрганилди. Тизимли ва статистик таҳлил методларидан фойдаланиб, яшил иқтисодиётнинг айрим афзалликлари тадқиқ этилди.

Саноати индустриялашган давлатлар тажрибаларидан аёнки, асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг қўшимча ўсиш суръатларини 2/3 қисми фан сиғими юқори бўлган соҳаларда ишлаб чиқариш омилларидан интенсив фойдаланиш эвазига тўғри келади. Таҳлилларга кўра, жаҳон илмий техника салоҳиятининг 90% ва глобал юқори технологиялар бозорининг 80% Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) мамлакатлари

хиссасига тўғри келади. АҚШ товар экспорти таркибида юқори технологик маҳсулотлар улуши 32%, Буюк Британияда 31%, Японияда 26%, Францияда 23%ни ташкил этмоқда.

Ушбу мамлакатларда юқори технологик маҳсулотлар экспортдан келиб тушадиган фойда миқдорлари ҳам жадал суръатларда ўсиб бориб, йиллик даромад миқдори ҳозирда АҚШда 700 млрд., Германияда 530 млрд., Японияда 400 млрд. доллардан юқори суммани ташкил этади [12].

Бироқ, дунё демографиясининг тенденциявий ҳолати таҳлилларда қуйидаги манзарани келтириб чиқармоқда. 1900 йилда дунё аҳолисининг сони 1,5 млрд. кишидан ортган бўлса, XX асрнинг охирига келиб бу кўрсаткич 6,2 млрд. кишидан ошган. 2018 йилда ер юзининг аҳолиси 7,9 млрд. кишига етган бўлса, 2025 йилнинг биринчи ойида бу кўрсаткич 8,2 млрд. кишидан ортиб кетди [13].

XX асрда дунё аҳолиси 3,8 мартага ўсгани ҳолда, дунё ялпи ички маҳсулоти миқдори салкам 19 баробарга яқинлашган. Англашилганидек, дунё аҳолисининг кўпайиши иқтисодий ўсишнинг мунтазам равишда атроф-муҳитга бўлган юқнинг ошиб боришига олиб келди. Сўнги юз йилликдаги (2000 йилда 1900 йилга нисбатан) аҳоли сони ва иқтисодий фаоллигининг ошиши ҳисобига дунё океанининг оксидланиш даражаси деярли 1,2 мартага ошди, тропик ўрмонларнинг йўқотилиш даражаси 6,2 марта ошиб, табиатга углерод оксидининг чиқарилиши 1,6 мартага кўпайган.

Сўнгги 30 йил ичида Ўзбекистонда аҳоли сони 14,2 миллион кишига кўпайди ва 2024 йил охирида 37,5 миллион кишидан ошди. Фақат сўнгги уч йил ичида (2022–2024) аҳоли сони 2,3 миллион кишига кўпайган. Прогнозларга кўра, 2030 йилга келиб Ўзбекистон аҳолиси 40 миллион кишидан ортиб кетади ва бу Марказий Осиё мамлакатлари аҳолисининг қарийб ярмига тенг бўлади.

Юқори демографик салоҳият камбағалликни қисқартириш, озиқ-овқат хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш, сифатли таълим, инфратузилмани ривожлантириш, шаҳарсозлик, экологик барқарорлик каби миллий мақсадларни амалга оширишга таъсир қилиб бандликка қўшимча босим кўрсатади.

Дунё аҳолиси иқтисодий фаоллигининг ошиб бориши натижасида юз бераётган бундай иқлим ўзгаришлари яқин орада жиддий оқибат ва асоратларга олиб келиши мумкин. Сайёрамизда глобал иқлим ўзгаришлари ва унинг оқибатлари билан боғлиқ айрим хавф-хатарлар яшил иқтисодиёт инсоният учун қай даражада кечиктириб бўлмас долзарб ҳаётий масала эканини билдиради.

Ана шу нуқтаи назардан, яшил иқтисодиётга ўтиш иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоли масалаларни ижобий ечим топишига, иқтисодий ўсиш ва камбағалликни қисқартириш, экологик ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

БМТ маълумотларига кўра [14], дунёда ўртача ҳарорат ва барқарор ўсиш тенденцияси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик натижасида дунё аҳолисининг 40% дан ортиқроғи иқлим ўзгаришига қарши ҳимоясиз бўлиб қолмоқда. 2010–2020 йиллардаги табиий офатлар натижасида 1,2 миллиондан ортиқ одам ҳалок бўлиб, 3,0 трлн. доллар қийматида иқтисодий зарар кўрилган. Иқлим ўзгариши ва унинг оқибатлари яқин 30 йил ичида жаҳон иқтисодиётига 8 триллион долларга тушиши прогноз қилинмоқда.

Умуман олганда, потенциал ва реал хавфлар қабул қилинган барқарор ривожланиш мақсадлари ва вазифаларига эришишга бевосита таъсир қилади, бу эса уларнинг оқибатларини олдини олиш ва камайтириш учун яшил иқтисодиёт билан эришиш мумкинлигини билдиради.

Илмий мақоламиз якуни билан бир нечта хулосаларни билдириб ўтишимиз зарур бўлади:

✓ Яшил иқтисодиётга ўтиш барқарор ривожланишга эришиш ва келажак авлодлар учун атроф-муҳитни сақлаб қолиш учун мураккаб, бироқ зарур жараёндир.

✓ Яшил иқтисодиётни муваффақиятли амалга ошириш комплекс ёндашувни, ҳукумат, бизнес субъектлари ва жамоатчилик ўртасидаги фаол ҳамкорликни талаб қилади.

✓ Яшил иқтисодиётнинг самарали истикболлари мақсадли дастурлар, тадқиқотлар ва инновациялар билан реалликка айланади.

✓ Яшил иқтисодиётни ривожлантириш стратегик режаларни ишлаб чиқишни ва жамиятнинг барча аъзолари ўртасида кенг ҳамкорликни талаб қилади.

Мавзуга оид назарий ва услубий муаммоларнинг таҳлили ва ечимлари барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида яшил иқтисодиётни самарали ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилашда, яшил иқтисодиётни амалга оширишни тезлаштиришда барқарор ва соф экологик келажакни яратиш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Beder, S. (2011), “Environmental economics and ecological economics: the contribution of interdisciplinary to understanding, influence and effectiveness”, *Environmental Conservation*, vol. 38, no. 2, pp. 140-150. SPASH2011.
2. Bina, O., and La Camera, F. (2011). Promise and shortcomings of a green turn in recent policy responses to the “double crisis.” *Ecol. Econ.* 70, 2308–2316. doi: 10.1016/j.ecolecon.2011.06.021
3. Jacobs, M. (2012). *Green Growth: Economic Theory and Political Discourse* (? 108). London: Grantham Research Institute on Climate Change and the Environment London.
4. Зелёная экономика и цели устойчивого развития для России: коллективная монография / под науч. ред. С. Н. Бобылёва, П. А. Кирюшина, О. В. Кудрявцевой. – Москва: Экономический факультет МГУ имени М. В. Ломоносова, 2019. – 284 с. – ISBN 978-5-906932-32-7.
5. Исаджанов А.А. Барқарор иқтисодий ривожланишнинг экологик жиҳатлари. Монография. ТДИУ. Илмий тадқиқот маркази. 2020. 137-138 б.
6. Kasayanond, A. (2019). Environmental sustainability and its growth in Malaysia by elaborating the green economy and environmental efficiency. *Int. J. Energy Econ. Pol.* 9, 465–473. doi: 10.32479/ijeep.8310
7. Кожевникова Т.М., Тер-акопов С.Г. «Зеленая экономика» как одно из направлений устойчивого развития // Социально-экономические явления и процессы. 2013. №3 (049). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zelenaya-ekonomika-kak-odno-iz-napravleniy-ustoychivogo-razvitiya> (дата обращения: 08.03.2025).
8. Кузнецов М. Е. Возможности и риски развития зеленой экономики. Мир новой экономики. 2023;17(3):6-17. DOI: 10.26794/2220-6469-2023-17-3-6-17 <https://vostokgosplan.ru/wp-content/uploads/399-718-1-sm.pdf>
9. Meadows D.H. et al. *The limits to growth: A report for the Club of Rome’s project on the predicament of mankind*. New York, NY: Universe Books; 1972. 211 p.
10. Сивкова А.И. Концепция зеленой экономики: сущность понятия. *Human Progress*. 2023;9(2):13. DOI: 10.34709/IM.192.13
11. UNEP (2011). *Towards a Green Economy: Pathways to Sustainable Development and Poverty Eradication*. Department of Economic and Social Affairs. Available online at: <https://sdgs.un.org/publications/towards-green-economy-pathways-sustainable-development-and-poverty-eradication-17007> (accessed January 18, 2022).
12. <http://uzscite.uz/wp-content/uploads/2020/07/40-48.pdf>
13. <http://www.worldometers.info/world-population/>
14. (https://api.mf.uz/media/document_files/Ikkinchi_milliy.pdf),